

Филиппинда «Халқаро ҳижоб куни» парламент томонидан маъқулланди



19:59 / 27.01.2021 1324

Филиппин вакиллар палатаси мамлакатда ҳар йили 26 январь кунини «Халқаро ҳижоб куни» деб эълон қилиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини бир овоздан маъқуллаган. Бу ҳақда sun star манбасига таяниб, iqna нашри хабар берди.

Мамлакат парламенти 203 аъзоси 8249 қонун лойиҳасини ёқлаб овоз беришди ва ушбу қонун кўпчилик томонидан қўллаб-қувватланди.

Депутатлар Ансар ад-Дин Абдул Малик Адиёнг ва Амихилда Сангкопан томонидан тақдим этилган лойиҳанинг мақсади, мусулмонларнинг рўмол ўраб юришнинг фазилати ва рўмол ўраган аёлларга нисбатан камситишларга барҳам бериш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, мусулмон аёлларнинг диний бурчларини бажаришда ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, сабр-тоқат ва қадр-қимматнинг рамзи сифатида рўмол ўрашни тарғиб қилиш ва бағрикенгликни, турли хил турмуш тарзини қабул қилиш лойиҳанинг мақсадлари ҳисобланади.

Шунингдек, давлат идоралари, мактаблар ва хусусий секторлар ушбу тадбирни ҳар йили 1 февраль кунини нишонлашга тарғиб этилди.

Хуршид Маъруф тайёрлади